

ТЕЛЕВИЗИОН ОБРАЗЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ ҲАҚИДА

Нилуфар Талибжановна УМИРЗАКОВА

мустақил изланувчи

Ўзбекистон журналистика ва оммавий

коммуникациялар университети

Тошкент, Ўзбекистон

nilufar74.1974@gmail.com

Аннотация

Мақолада мамлакатимиз телевидениесидаги телевизион образлар эволюцияси босқичма-босқич таҳлил қилинган. Телевизион образларнинг жамиятдаги ўзгаришлар билан боғлиқлиги, давр сиёсатининг телелойиҳаларда акс этувчи қаҳрамонлар ва иштирокчилар орқали намоён бўлиши асослантирилган. Образ таъсир кучининг ички дунёмиз ва ҳаёт тарзимизни ўзгартириш қудратига эга эканлиги мисоллар орқали ёритилган.

Таянч сўзлар: телевидение, телевизион образ, эволюция, аудитория, мафкура, маълумот, телебошловчи, собиқ Иттифок, кўрсатув қаҳрамони, ҳаёт, журналист.

ОБ ЭВОЛЮЦИИ ТЕЛЕВИЗИОННЫХ ОБРАЗОВ

Нилуфар Талибжановна УМИРЗАКОВА

Независимый исследователь

Университет журналистики и массовых

коммуникации Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

nilufar74.1974@gmail.com

Аннотация

В данной статье раскрывается история возникновения телевидения в Узбекистане и эволюция телевизионных образов. Утверждается, что телевизионные образы связаны с изменениями в обществе, политика эпохи проявляется через персонажей и участников, отраженных в телепроектах. И в то же время, раскрывается влияние телевизионных образов на внутренний мир и на образ жизни каждого человека.

Ключевые слова: телевидение, телевизионный образ, эволюция, аудитория, идеология, информация, телеведущий, бывший Союз, герой передачи, жизнь, журналист.

Телевизион образлар – жамиятдаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, ўша давр сиёсатини телелойиҳаларда акс этувчи қаҳрамонлар ва иштирокчилар орқали намоён этиб, инсонлар онгига кириб боради. Образнинг таъсир кучи ички дунёмиз ва ҳаёт тарзимизни ўзгартириш қудратига эга.

Масалан, баъзи визуал образлар омма онгига таъсир қилиб, миллионлаб одамлар хотирасига сингдирилиб, улар учун маъбудга айланган [7;15]. Мамлакат ўз сиёсатини мустаҳкамлаш учун телевизион образлардан оқилона фойдаланади. Собиқ Иттифоқ, қайта қуриш ва мустақиллик давларини таҳлил қилсак, ҳар бирида давр қаҳрамони бир-бирини такрорламайдиган ва ўзига хос. Телевизон образлар ҳам шунга асосан яратилган.

Телевизион образлар эволюциясини уч босқичда кўриб чиқамиз:

1. Собиқ Иттифоқ даври 1956-1985 йиллар.
2. Қайта қуриш йиллари 1985-1991 йиллар.
3. Мустақиллик даври 1991 йилдан ҳозиргача.

Ўзбекистон телевидениеси – ўша давр мафкурасига кўра, 15 та республика қаторида собиқ Иттифоқ билан бевосита боғлиқ бўлган. Офлайн режимида ишга тушган ҳар бир республика телевидениеси ягона тизимда фаолият олиб бораётганлигини ҳис қилган ва шундай йўл тутган. Тадқиқотчи В.В.Егоровнинг таъкидлашича, «Совет телевидениесининг негизи коммунистик партия томонидан телевидение олдида қўйилган вазифалар билан белгиланган» [2;10]. Бу ҳозирги МДХ давлатларининг барчасига тегишли бўлган. 1956 йил 5 ноябрда Ватанимизда оқ-қора тасвирда ойнаи жаҳон ўз ишини бошлаган бўлса, эфир вақти 2 соат бўлиб, бадиий ёки ҳужжатли фильмлар ва ёзиб олинган концертлар намоиш этилар эди. 60-йиллардан бошлаб, аста-секинлик билан телелойиҳалар тайёрлана бошланди. Қолип собиқ Иттифоқ республикалари учун деярли бир хил бўлган. Телевидение дунёда ва ўз ҳудудида бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида реал маълумот бериш билан эмас, балки мамлакат сиёсатини тарғиб қилиш билан шуғулланган. Телевизон образлар ҳам шу сиёсат асносида яратилган ва тақдим этилган.

«Телевидениени танқид қилиш – совет ҳукуматини танқид қилиш билан баробар» [6;35]. Совет Иттифоқи ҳар томонлама ўзини намуна қилиб

кўрсатгани учун фуқаролари ҳам, қайси соҳада фаолият юритмасин, ижобий образда намоён бўлиши керак эди.

Мамлакатимизда телевидение ташкил этилган дастлабки йилларда ишга қабул қилинган ходимлар телевидение соҳаси бўйича махсус маълумотга эга бўлмаган, унинг сир-асрорларини тушуниб етмаган мутахассислар эди, жумладан, илк директордан тортиб муҳаррир ва режиссёрларгача, ҳатто, дикторлар ҳам бошқа соҳа вакиллари эди [8;74].

«Мен космонавтлардан интервью олганман, Шостакович, Плисская, Вишневская, Мухтор Ашрафий, Тамарахоним, Ўзбекистоннинг машҳур ёзувчилари ва шоирлари билан суҳбатлашганман», дейди олий тоифали суҳандон, Ўзбекистон Халқ артисти Галина Мельникова.

Собиқ Иттифоқ даври мафкурасига кўра одамлар онгида ижобий ва салбий образлар шакллантирилган. Телевидениеда акс этган қиёфалар ҳам шу йўналишни тарғиб қилган. Илм-фан фидойилари, ишчи-хизматчилар ижобий образда кўрсатув персонажи сифатида намоён бўлган.

«Оқ олтин» деб таъриф берилган, мамлакат қишлоқ хўжалигининг асосий «юзи» ҳисобланган пахта, пахтакорлар ҳақида кўрсатувлар тайёрланган. Телевидениеда пахта образини идеаллаштириб, «Пахтаой» номли ансамбллар, ғўза ва пахта экинлари биринчи планга олиб чиқилган кўрсатув ва видеофильмлар тайёрланган. А.Есиннинг 1975 йил нашрдан чиққан китобида бу ҳақда қайд этилган: «Республика телевидениеси ва радиосида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришни комплекс механизациялаш масалаларини ёритишга алоҳида эътибор қаратиляпти» [3;95].

Ўзбекистон телевидениеси 1960-1970 йиллардан бошлаб телелойиҳалар сонини кўпайтириб борди. Телевизион образ сифатида илм-фан фидойилари, турли соҳадаги ишчи-хизматчилар ҳам биринчи планга чиқарилди. XX асрнинг 60-йиллари Турсуной Охунова пахта териш машинасига ўтирган биринчи ўзбек механизатор аёли телеэкран қаҳрамони сифатида йиллар давомида улуғланган. Шу образ орқали мамлакатдаги бошқа хотин-қизлар

хам механизаторликка даъват қилинган ва натижада минглаб аёллар пахтани машинада тера бошлаганлар. Биринчи механизатор аёлнинг образи шу қадар идеаллаштирилганки, ўшанда «Турсунойчилар» умумиттифоқ ҳаракати шаклланган. Собиқ Иттифоқ мафкурасининг тарғиботига кўра, Иттифоқ бўйича икки карра Меҳнат Қаҳрамони, 1960 йилда 322 тонна «оқ олтин» терган Турсуной Охунова ҳамиша бахтли, соғлом қиёфада кўрсатилган. Шифокорларнинг ҳулосасига кўра, 47 ёшида пахта далаларидаги кимёланган чангдан заҳарланиш натижасида ўпка касалланиши туфайли оламдан ўтган бу «қаҳрамон» ҳақидаги ҳақиқатлар кейин ошкор бўлди. Ўша давр сиёсатига кўра, давлат даражасида намуна сифатида намойиш этилган ва тарғиб қилинган бу образ мутлақ идеалга яқин ва соғлом бўлиши керак эди.

Ўзбекистон телевидениесидаги телевизион образлар эволюциясининг биз тадқиқ этаётган босқичларининг барчасида фаолият олиб борган телевидениенинг устоз журналисти, режиссёри, телевидениенинг 1956-2021 йилларини қамраб олган «Телевидениенинг назарий ва методолик асослари» номли асар муаллифи Марат Асадуллаев қайта қуриш давригача меҳнаткашлар телевизион образ сифатида илгари сурилганини таъкидлайди.

80-йиллар охирига келиб собиқ Иттифоқ республикаларида глобал сиёсий ўзгаришлар бошланиб, табиийки, телевидениега ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Телебошловчилар, кўрсатувлардаги «қаҳрамон»лар образи ўзгара бошлади. Аввалгилардан фарқли, кўрсатувларда танланган диктор эмас, телелойиҳани тайёрлаган журналист ҳам бошловчилик қила бошлади. Аммо дикторларга ҳам эҳтиёж тўхтамади. Асосан информацион дастурларда уларнинг ўрни сақланиб қолди. Аввалги йилларда кузатилмаган сиёсий арбоблардан тортиб, тадбиркорлар, ҳаваскор ижодкорларнинг фаолиятини ёритишни бошлаган муаллиф ва бошловчи бўлган журналист образи орқали миллионлаб томошабинлар мамлакатдаги ҳар жабҳадаги ўзгаришларни чуқур ҳис қила бошладилар. Телевидениедаги кўрсатувларга янги «ҳаво» кириб, тижорий лойиҳалар ҳам секин-аста ўз ишини бошлади. Табиийки, ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар телеконтентдаги образи орқали оммага танила

бошлади. Ёшлар мавзуларига кенг ўрин берилди. Айнан, қайта қуриш йилларида ҳозирги МДХ республикаларининг барчасида тадбиркорлар, ишлаб чиқарувчилар кўрсатув қаҳрамонлари сифатида тақдим этила бошланди. Реклама дастурлари секин-аста шакллана борди.

Иттифоқ парчалангач, барча собиқ Шўро республикалари учун хориж телеканалларини томоша қилиш, ўрганиш учун йўл очилди. Қайта қуриш 1985 йилдан бошланган бўлса, яқин тарихда содир бўлган манбаларни ўргансак, оммавий ахборот воситалардаги ўзгаришлар, аввало, матбуотдан бошланган. Радио ва телевидениеда босқичма-босқич кескин ислохотлар бошланди. Телевизион дастурлар сони кескин кўпайди. Жанрлар, шакллар, мавзулар, бошловчилар ўзгарди. Шу жумладан, журналистлар ҳам эркин ижодкор сифатида муҳим ижтимоий жараёнларга таъсир ўтказиб, етакчилик қиладиган шахсга айлана бошлади.

Янги телелойиҳалар туфайли одамларнинг дунёқараши ўзгара борди. Кўрсатув иштирокчилари турли соҳадаги оддий одамлардан иборат бўла бошлади. Жонли эфирлар бошланиб, томошабинлар билан интерактив мулоқотга киришиш, ҳар соҳада уларнинг фикрини эшитиб, муҳокама қилиш долзарб тус ола бошлади.

Олий Мажлиснинг ўн бешдан ортиқ сессиялари тўғридан-тўғри ёритилиб, томошабин кўз ўнгида сиёсий арбобнинг жонли образи намоён бўла бошлаган. Оммавий ахборот воситалари тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарилиб, журналистлар жамиятнинг илғор синфига айланиб борди [1;458].

Телевидениенинг кучли қуролларидан бири тарғибот бўлса, яна бири кўрсатув қаҳрамони сифатида намоён этилаётган образ орқали томошабин онгига таъсир қилиш ва натижада, ҳаёт тарзини ўзгартиришга сабаб бўлишдан иборат. Зангори экраннинг бадиий адабиётдан фарқи экранда жонланаётган образларнинг ҳаққонийлигидадир. Айни шу даврда сўз эркинлиги бошланиб, ҳар бир жабҳадан мутахассислар фаолияти ёритилиб, телевизион образ идеаллаштирилмаган дейишимиз мумкин.

Қайта қуриш тўлқинида Болтиқбўйи мамлакатларида бошланган мустақиллик учун кураш собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари каби Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлади. 1990 йил 20 июнда мамлакатимизда Мустақиллик декларацияси қабул қилинган, 1991 йил 31 августда 1 сентябрь Мустақиллик куни деб эълон қилинди.

Мустақиллик туфайли маданий мерос ва анъаналаримизга муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Илгари қораланиб келган шахслар оқланди, тарихий обидалар, китоблар ўзининг ҳақиқий эгаларига қайтариб берилди. Аҳмад Яссавий, Навоий, Бобур, Машраб каби буюк зотлар ижодини янгича ўрганишга киришдик [9;201]. Таниқли тележурналист, телевидение эволюциясининг барча босқичларида фаолият олиб борган Ўрол Ўтаев жонли равишда ўзи иштирокчиси бўлган воқеалар тафсилотини телевидение ҳақидаги нашрида ёритган.

Истиқлол давридаги телевизион образлар эволюциясини уч босқичга ажратишни лозим топдик:

а) 1991-2016 йиллар.

Бу даврни Биринчи Президент билан боғлаймиз. Ҳар бир давлат раҳбарининг мамлакат бошқаришида ўз сиёсий йўли бўлиб, бу албатта, барча оммавий ахборот воситалари каби зангори экранга ҳам, ундаги кўрсатувлар ва персонажларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

б) 2016-2020 йиллар.

Бу давр Шавкат Мирзиёевнинг Президентлиги билан бошланади. Давлат раҳбари янги стратегик йўналишлари таъсирида телевизион образларнинг трансформацияси амалга ошди.

в) 2020 йил 15 мартдан ҳозиргача.

Бутун дунёни ларзага солган COVID-19нинг бошланиши нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёга, шу жумладан, жаҳон телевидениесига ҳам таъсирини ўтказди ва телевизион образлар тизимида ўзгаришларга олиб келди.

Одамлар онгини манипуляция қилишнинг энг самарали усулларида бири телевидениедир [5;38]. Кўрсатувда намоиш этилган образ таъсири нуқтаи назаридан инсон тақдирини ўзгартириш қудратига эга. Чунки зангори экрандаги визуал ва аудиовизуал лойиҳалар инсон фикри ва ҳуқ-атвори, ҳатто эътиқодига таъсир қилади.

Мустақиллик давридан бошлаб мамлакат аёлларининг ижтимоий ҳаётда эришаётган муваффақиятлари ва сиёсатда тутаётган ўрни ҳақида ҳикоя қилувчи хотин-қизлар ҳақидаги дастурлар орқали Ўзбекистон аёлларининг телевизион образи юзага чиқа бошлади. Масалан, журналист Нафиса Зоҳидова муаллиф ва бошловчилигидаги «Ажаб саодат эрур», Умида Усмонованинг «Азизим», Нилуфар Умрзоқованинг «Бегойим» номли кўрсатувлари бунга мисол. Телелойиҳаларда аёллар образи турли равишда тақдим этилган. Нозима Воҳидова муаллиф ва бошловчилигидаги «Мезон» кўрсатуви мамлакатдаги иқтидорли ёшларга бағишланган бўлиб, ҳар соҳада ютуқларга эришаётган ўсмир ёшидаги йигит-қизларнинг образи намуна сифатида тақдим этилган, ота-оналар шу кўрсатув «қаҳрамон»ларини фарзандларига ибрат қилиб кўрсатишган ва шундай бўлишга ундашган. Жисмоний нуқсонлари туфайли имконияти чекланган инсонлар ҳақидаги «Мурувват» номли кўрсатув турли ногиронлиги бўлган инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилиб, ногиронлик образи яратилди. Беллашув ва баҳс-мунозалар асосидаги «Балли, қизлар», «Қувноқлар ва зукколар» телелойиҳаларида мамлакатдаги илм-фан, спорт ва ҳунарда етакчи йигит-қизларнинг умумий қиёфасини тасаввур қилиш мумкин бўлган.

Янги авлод билимдонларининг телевизион образи вужудга келишида «Заковат» интеллектуал телелойиҳасининг ўрни беқиёс. Кўрсатув муаллифи ва бошловчиси Расул Абдуллаев Россия телеканаллари орқали эфирга узатиладиган «Что? Где? Когда» кўрсатувидан рухсат олиб, дастурни бошлаган. «Что? Где? Когда» 1975 йилдан ҳозиргача томошабинларга тақдим этилаётган бўлса, «Заковат» интеллектуал ўйини 2001 йилдан буён аудиториясини кенгайтирмоқда. Телевизион образлар эволюциясининг

иккинчи ва учинчи гуруҳларига кирувчи бу интерактив дастур билимдон ва иқтидорли ёшлар образини оммага олиб чиқиб, ҳозиргача тарғиб қилаяпти. Билимдонлар образи ҳеч қачон «эскирмаслиги» ва урфдан қолмаслигига «Заковат» мисол бўла олади.

Ўзбекистонда цензура бекор қилинган бўлсада, 2005 йиллардан юқори мартабали маъмурлар ҳамда бош мухаррирларга ички цензура кучайди [4;3]. Сиёсий арбобларнинг телевидениеда кўриниши кескин камайди. Ногиронлар, ногиронлик ҳақида кўрсатувлар ҳам тўхтатилди. Ички цензура юқоридан келган топшириққа асосан жамиятдаги камчиликларни фош қилишга йўл бермай, маиший, насихатомуз кўрсатувларга урғу беришни талаб қилди. Зотан, айнан 2005 йил 8 ноябрда мамлакат Биринчи Президентининг «Мустақил телерадиоканалларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинган эди. Аммо мазмунига кўра, яқин тарих ҳақида, ҳатто фотосуратлар, воқеаларда хотирлаш тақиқланди. Иккинчи Жаҳон уруши, Афғон уруши ҳақидаги фильмлар «қора рўйхат»га тушди. Ўша даврни эслатувчи орден-медаллар ҳам «ўзи билмаган ҳолда» тақиққа учради. Уруш давридаги ҳарбийлар образи телевидение каналларидан олиб ташланди. Ислом Каримов давригача бўлган Ўзбекистон раҳбарлари ҳам тилга олиниши мумкин эмаслиги туфайли, гўёки Ўзбекистон тарихида биргина сиёсий образ – Биринчи Президент қолди. Телеканалларда динни тарғиб қилувчи кўрсатувлар камайди.

2016 йил Шавкат Мирзиёев Президентликка сайлангач, Ўзбекистон яна бир янги даврни бошдан кечира бошлади. Ўзбекистон аҳолиси учун юрт раҳбари образи ижобий тус ола бошлади. Президент ўз фуқароларини 2017 йил кириб келиши арафасида телевидение орқали табриклади. Бу ҳолат 1992 йилдан буён зангори экранда кузатилмаган, янги йил кириб келишига санокли дақиқалар қолганида Президент номидан матнни дикторлар рус ва ўзбек тилида ўқиб берар эдилар. Мамлакатимиз раҳбари биринчи муддатга сайланганидаёқ, халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деб таъкидлади ва сиёсий арбоблар халқ олдида ҳисоб

бера бошлади, фуқаро раҳбарларни таниши керак, деган фикр оммага сингдирилди. Президент оммавий ахборот воситаларига, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги фаолиятга ҳам эркинлик бердики, блогерлар образи пайдо бўлди. Блогерлар мамлакатдаги вазиятни ошкора ёритиб, халққа яқинлаша бошлади. Ток-шоу, интерактив дастурларда вазирлар, депутатлар чиқишлари орқали сиёсий арбоблар образи яна экранларга кайтди. Раҳбарларнинг экранлардаги чиқишлари орқали халқ ўзи учун ижобий ва салбий образ ярата бошлади.

Педагог ва шифокорларга давлат томонидан ҳурмат ва эътибор кучайиб, экранларда улар образи идеаллаштирила бошланди.

COVID-19 бутун дунё одамлари ҳаётини ўзгартирган бўлса, оммавий ахборот воситаларига ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир қилди. Жаҳон телевидениеси қайта ислоҳ қилинганидек, фақат тиббиётга алоқадор чиқишлар қила бошлади, шу жумладан, Ўзбекистондаги телевидениелар ҳам бундан четда қолмади. Кўрсатув бошловчилари, иштирокчилари ва қаҳрамонлари ҳам саломатлик билан боғлиқ контентларда сўзлай бошладилар. Жонли эфирлар ҳам асосан савол-жавоблар асосида бўлиб, асосий қаҳрамон шифокорлардан иборат бўлди. Пультни олиб телеканални ўзгартирсанг ҳам, шифокор ва бемор образи қолади. Вазиятлар бўлдики, телевидение журналистлари яшаш манзилларидан кўрсатувлар тайёрладилар. Журналист образи бошловчи, иштирокчи ва кўрсатув қаҳрамони қиёфасида бошқа бир шаклда намоён бўлди. Яна телевидение тарихида бўлмаган контент: мактаблардаги дарслар кўрсатув шаклида ўқувчи-томошабинларга етказилди. Онлайн дарс орқали педагог телеобраз қиёфасида ҳар куни зангори экран орқали дарс ўта бошлади. Телеканаллар ўз дастурларини ўзгартирдилар. Коронавирус ҳақидаги маълумотлар жонли эфирлардан мунтазам берилди. Жинсидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, телеканаллардаги контентлар тиббий ниқоб иштирокида узатилди. Кейинги авлод телевидениенинг бу даврини телеобразлар ниқобларда деб эсласа, ажаб эмас.

Карантиндан аста-секинлик билан чиқа бошладик. Аммо 2021 йилгача ҳам шифокорлар билан боғлиқ кўп телелойиҳалар, ҳатто бугунги кунгача сақланиб қолди.

Телевизион образлар томошабинга таъсир қилиб, унинг ҳаётини ўзгартириш қудратига эга бўлиши билан бирга, мамлакат нуфузи ҳақида ҳам сўзлайди. Ўзбекистон ҳақида тасаввурга эга бўлишни истайдиган мамлакат ташқарисидаги томошабин зангори экрандаги кўрсатувлар, телесериаллар, улардаги образларга қараб мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳолати ҳақида хулосага келиши мумкин.

Телевизион образлар эволюцияси шуни кўрсатяптики, инсонларни мулоҳазага чорловчи, реал ҳаётдан сўзловчи интеллектуал дастурларнинг умри информатсион кўрсатувлар, «Заковат» билимдонлар телелойиҳаси каби узоқ бўлади. Аммо маълумот оқими инсон онгини эгаллайвергач, эҳтиёжга қараб жанрлар ҳам ўзгача тус олиб, образларга ўз таъсирини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Асадуллаев М. Телевиденининг назарий ва амалий асослари. – Тошкент: МУМТОЗ СЎЗ, 2021. – 556 б.
2. Егоров В. В. Теория и практика советского телевидения. – Москва: Высшая школа, 1980. – 159 с.
3. Есин А. Радио и телевидение Узбекистана: рост, достижения, проблемы. – Тошкент: Узбекистан, 1975. – 295 с.
4. Обидов М. Журналист суриштируви: тажриба ва таҳлил: амалий қўлланма. – Фарғона, 2018. – 253 б.
5. Попова А. Манипуляции на телевидении как фактор формирования общественного мнения //ScienceTime, 2016. – Р.38-47.
6. Петровская И. Медиакритика: «хорошие» и «плохие» мальчики. Почему телевизионщики пытаются расширить границы допустимого. <http://interlibrary.narod>
7. Тоффлер Э. Третья волна. [URL:https://gtmarket.ru/library/basis/4821/4824](https://gtmarket.ru/library/basis/4821/4824)

8. Хаджаев А., Ҳайитов Ш. Радио ва телевидение: ўқув-услубий қўлланма.— Тошкент: ИЖОД-ПРЕСС, 2022. — 553 б.

9. Ўтаев Ў. Телевидение — табаррук маскан. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010. — 280 б.